



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 1 март, № 42 (7272)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги авлод тадбиркорларининг инновацион фояларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиши лозим



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби тармоқларни изчил ривожлантириш, уй-жойлар барпо этиш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Наманган вилоятига бу галги ташрифини Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши билан танишишдан бошлади. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиши электр энергетика соҳасининг барқарор ривожига боғлиқ. Шу боис тизимни модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш, электр энергия ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқболли лойиҳалар амалга ошириляптир.

Тўрақўрғон туманида барпо этилядиган қуввати 900 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси шундай инвестицион лойиҳалардан биридир. Мазкур ИЭС-нинг ишга туширилиши Фарғона водийсида аҳоли ва саноат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан тўлиқ таъминлашга хизмат қилади. Лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлиб, Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ва "Mitsubishi Hitachi Power Systems" консорциуми томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва "Ўзбек-энерго" АЖ маблаглари асосида молиялаштирилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 2 минг 400 нафардан зиёд миллий ҳамда хорижий мутахассис ва ишчилар жалб этилган. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси муҳандис-техниклари томонидан олиб бориляптир.

Хозирги кунда электр энергия ишлаб чиқарадиган асосий агрегатлардан биринчи ва иккинчи блок трансформаторлари, газ турбина, қозон утилизаторлар, буғ турбиниси ва бошқа асбоб-ускуналар монтаж қилинди. Қолган электр қурилма агрегатлари келтириб ўрнатилмоқда. ИЭС худудига ташқи коммуникация ишлари яқунланган, ичимлик суви тармоғи тортилган. Объект Сўх — Наманган магистрал газ тармоғи орқали ёниги, Катта Наманган каналдан техник сув билан таъминланади. Станциянинг биринчи буғ-газ қурилмаси жорий йил сентябрь ойида, иккинчиси декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида йилга қўшимча 6,7 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 300 киши иш билан таъминланади. Президентимиз бу лойиҳа муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини, станция водий вилоятларининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳолини ишончли электр энергияси билан таъминлаш имконини беришини таъкидлади. Иссиқлик электр станциясини муваффақиятли ишга тушириш ва фойдаланиш, бунинг учун соҳага иxtисослашган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берди. Вилоятга ташриф чоғида Президент кортежи қўрилмаганда Тўрақўрғон тумани деҳқон бозори ёнида тўхтади. Давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамлар билан самимий мулоқот қилди. Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлидаги ислохотлар халқ билан бамаслаҳат давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, Наманган вилоятининг ҳар бир туманига катта миқдорда инвестициялар киритиш, янги корхоналар, санаторийлар, мактаблар, боғчалар қуриш, иш жойлари яратиш бўйича улкан лойиҳалар бошланганини қайд этди.

Туман аҳолиси Президентимиз ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлиб, ислохотлар натижаларини ҳар бир соҳада сезилядиганини билдирди. Наманган вилояти, умуман, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Таъкидлаш керакки, халқ билан мулоқот қилиш, ҳамма халқ билан бирга бўлиш Шавкат Мирзиёев фаолиятининг бош мезони. Президентимиз ҳар бир худудга, жумладан, 2017 йилда Тўрақўрғон туманига ташрифи чоғида ҳам одамлар билан мулоқот қилган эди. Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди. Ахсикентга эраминдан аввалги III асрда асос солинган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Тарихий манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да бу кентнинг алоҳида лоҳотлар халқ билан бамаслаҳат давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, Наманган вилоятининг ҳар бир туманига катта миқдорда инвестициялар киритиш, янги корхоналар, санаторийлар, мактаблар, боғчалар қуриш, иш жойлари яратиш бўйича улкан лойиҳалар бошланганини қайд этди.

Туман аҳолиси Президентимиз ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлиб, ислохотлар натижаларини ҳар бир соҳада сезилядиганини билдирди. Наманган вилояти, умуман, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Таъкидлаш керакки, халқ билан мулоқот қилиш, ҳамма халқ билан бирга бўлиш Шавкат Мирзиёев фаолиятининг бош мезони. Президентимиз ҳар бир худудга, жумладан, 2017 йилда Тўрақўрғон туманига ташрифи чоғида ҳам одамлар билан мулоқот қилган эди. Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди. Ахсикентга эраминдан аввалги III асрда асос солинган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Тарихий манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да бу кентнинг алоҳида лоҳотлар халқ билан бамаслаҳат давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, Наманган вилоятининг ҳар бир туманига катта миқдорда инвестициялар киритиш, янги корхоналар, санаторийлар, мактаблар, боғчалар қуриш, иш жойлари яратиш бўйича улкан лойиҳалар бошланганини қайд этди.

60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсикент харобалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устaxonаси, X—XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, мудоффа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи — Арк қазиб ўрганилган. Президентимиз топшириғига мувофиқ, 2017 йилда Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Мазкур ёдгорлик Наманган вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Юртимиз ва хориждаги сайёҳлик кўргазмаларида қадимий Ахсикент ҳақида ҳам тақдимотлар ўтказилмоқда. Бунинг самарасида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ўртасида тарихий ёдгорликка қизиқиш ортмоқда. Хозирга қадар Бельгия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Покистон, Хиндистон каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрган. Қадимжони тадқиқ этиш, унинг жозибдорлигини ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида махсус концепция ишлаб чиқилган. Айни кунда шу асосда Фарғона водийсида ички туризмни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Президентимизга Ахсикент мажмуаси бош режаси, унинг тадқиқ олиб бориладиган объеклари, худудда барпо этиладиган туристик мажмуа лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Унга қўра, бу ерда музей ташкил этилади. Ахсикентнинг қадимий дворуғини тиклаш мақсадида рамзий дарвоза қурилади. Умаршайх Мирзо ва Бобурнинг Камолиддин Бехзод яратган суратлари асосида ҳайкали ўрнатилди. Сайёҳлар учун Сирдарё бўйлаб қайиқларда сайр қилиш, туяда қўна шаҳарни томоша қилиш имконияти яратилди. Қисқача айтганда, зарур инфратузилма яратилиб, Ахсикент туризм манзилга айлантирилди. Ахсикент — буюк тарихимиз кўзгуси. Боболаримиз яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган бу манзилда тарихимизни тиклаш учун жуда катта манба, ўтмиш далиллари бор. Биз шу пайтгача фақат машҳур шаҳарларимиз тарихини ўргандик, бундай жойларга эътибор қилмадик. Маънавиятимизни юксалтиришчи бўлсақ, ёшларимизни ота-боболаримизнинг асл меросидан баҳраманд этиб улғайтиришимиз, халқимизга етказишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Шавкат Мирзиёев мажмуада қадимий тарихимизни тарғиб қилувчи фестивал ўтказиш, Наманган давлат университетиде археология таълим йўналишларини очиб бўйича тавсиялар берди. Тарихни тарихий объектиларда ўқитиш, мактаб ва университетдаги амалий машғулотлар ва дарсларнинг айримлари-

Эксклюзив интервью

Сирил МЮЛЛЕР: ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРА БЕРИШИГА ИШОНАМИЗ

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер Ўзбекистон билан шериклик ва янги истиқболли дастурлар ҳақида ЎЗА мухбирига эксклюзив интервью берди:



— Аввало, юртимизда кечаётган ўзгаришларга хайрихоҳ Жаҳон банкининг Ўзбекистонга сармоа киритиш борасидаги иштирокига тўхталсангиз. — Ўзбекистонга ҳар келганимда, мамлакатдаги ўзгаришлар ва ислохотлар қўламининг кенгайганига гувоҳ бўламан. Менда, шунингдек, халқининг меҳнатсеварлиги ва гайрати жуда катта таассурот қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар қуриб чиқилган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар. Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Сайлов кодекси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Сўзжатда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, Президент,

Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солуви сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бирхиллаштириш назарда тутилади.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Фаровон ҳаёт, жадал ривожланишимизга ҳамоҳанг ҳуқуқий асослар маъқулланди

Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан мамлакатимиз тараққиётининг турли соҳаларига оид бир неча қонунлар маъқулланди. Улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Мухбиримиз бу ҳақда сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

Ботир МАТМУРОДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси: — Сайловлар — халқ иродасини ифода этишининг энг демократик шакли. Унинг очиклиги ва шаффоқлигини таъминлаш мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро имиджини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўз тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беради, ким унинг ғоясини қўллаб-қувватлайди — буларнинг барчасини амалда қўришга муваффақ бўлади. Миллий сайлов қонун-

чилигимиз ўтган давр мобайнида серқирра йўлни босиб ўтди, синовларда тобланди. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун маъқулланди. Қонун билан Сайлов кодексида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар томонидан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш тартиби белгиланди. Номзодлар туман, шаҳар Кенгашлари мажлисларида муҳокама этилади ва округ сайлов комиссияси тасдиқлаш учун тавсия қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

1 март — Зулфия таваллуд топган кун

ҲИСЛАР УЙҒОҚ, ТАБИАТ УЙҒОҚ

Баҳорнинг саррин еллари юзларимизни силаб, сочларимизни торқилаб, кулоқларимизга шивирлаб ўтади: баҳор келди сени сўроқлаб...

Дарҳақиқат, кўкларнинг ҳар бир мўждаси баҳор каби яшаб, ўз ижоди билан қалбларни гўзалликка, нафосатга ошно этиб кетган Ўзбекистон халқ шоири Зулфияни ёдга солади. Шоиранинг шеърларида баҳорий тароват, илиқлик, завқ, ҳаётга интилишни ҳис қиламиз.

Йиллар ўтгани сари шоиранинг адабиётимиздаги ўзига хос ўрни, ўчмас номи маънавиятимизнинг узвий бир бўлагига айлангани тобора теран сезилмоқда. Зулфия ҳар бир ўзбек аёли учун зукколик, вафо ва садоқат, матонат тисмоли ҳамдир.

Этиборингизга Зулфиянинг беназир шеърларидан бири ҳавола этилмоқда.



Баҳор кечаси

Кеча жимжит, кўп гўзал кеча,
Қарайсану суқинг қиради.

Ёнади гул, жилмаяр гунча,
Еллар ғир-ғир эсиб туради.

Баҳор кечи тиниқ ва оппоқ,
Борлиқ тўлган гуллар ҳидига.

Ҳислар уйғоқ, табият уйғоқ,
Уйғун бўлиб киши дилига.

Ажаб, гўё тиниқ тўлин ой
Ҳоким сезар осмонда ўзин,

Бахтли билар шу дам, ҳойнаҳой,
Сайр этган-чун бутун ер юзин.

Тун мусаффо, кеча беозор,
Биздайин соф нафас олади.

Унда йўқдир ўтмишдаги зор,
Янги куйга қулоқ солади.

Ойда кулиш, электрда нур,
Юрагимда севи тўлқини.

Дайди шамол елади ҳур-ҳур,
Олиб кетар кўздан уйқунни.

Ерга баҳор чаман тўшаган,
Олма ҳали гулин тўкмаган.

Кўк бахмала гуллар бурканган,
Лаб очмаган, булбул ўпмаган.

Кўзим тўшиди олма гулига,
Дедим, тақсим энг гўзал бирин —

Сўйлаб берса... менинг чаккамда,
Дилбарлигин, гўзаллик сирин.

Шундай гўзал баҳорнинг гули,
Ундан гўзал биз ўсан ҳаёт.

Гул тутади ҳур инсон қўли,
Гулга тўлган бутун коинот.

Шу манзара, шу ажиб чаман
Кучоғида севинча ботдим.

Оқшом завоқин қониб ичиб мен,
Тоғ ортига ойни узатдим.



ТОМОРҚА ҲАМ БОҚАДИ, ҲАМ БОЙ ҚИЛАДИ

Бугун баҳорнинг илк кунини. Яшариш ва янгилиниш фасли одамларни эзгу ишлар, яхши ниятлар сари чорлайди. Бу палла, айниқса, деҳқонларимиз учун ўта муҳим. Чунки эртанги ҳосилимиз, дастурхонимиз файзу баракаси бўлган турфа хил маҳсулотлар айни дамдаги юмушларга боғлиқ. Шу боис далаларда, томорқаларда ушбу масъулиятли жараёнга жиддий тайёргарлик бошлаб юборилган.

Бугуннинг гапи

Қайд этиш жоизки, кеча Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг деҳқонлар ва томорқа ер эгаларига йўллаган мурожаати бугунги кундалик юмушларимизда алоҳида аҳамият касб этади.

Ховлидаги мўжазгина майдонни бамисоли хазинага менгаш мумкин. Негаки, бир парча ер оила учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Қувонарлиси, бугун ҳам азалий анъаналар, аждодларимиз тажрибасидан самарали фойдаланиб, ҳам оиласига, ҳам жамиятга нафи тегаётган юртдошларимиз кам эмас.

Ана шундай инсонлардан бири Андижон вилоятининг Асака туманидаги Дева таги кўчасининг 36-хонадонда истиқомат қилувчи Тоҳиржон Зулуновдир. У ўтган йилнинг декабрь ойида 3 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, бодринг, булғор қалампир ва помидор уруғини қадаган эди. Айни пайтга келиб кўчатларни қириши ишлари амалга оширилляпти.

— Шу кичкина ерда 200 минг туп бодринг кўчати етиштирдик, — дейди Т. Зулунов. — Ҳар бир кўчат навида қараб 500 сўмдан 1000 сўмгача сотилмоқда. Бўшаган ерга 1100 туп бодринг кўчати экман. Айни кунларда ўтқазилган кўчат маромида парваршиланса, у 40 кундан сўнг илк ҳосилини беради. Шу тариқа бир йилда 20 миллион сўм даромад топиам.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёржон Исоқов билан ховлини айланиб гувоҳ бўлдикки, деярли ҳар бир хонадонда иссиқхона мавжуд.

— Маҳалламизда 780 та хонадон бўлиб, шундан 700 тасида мўжазгина иссиқхона бор, — дейди маҳалла раиси. — Худудимиздаги томорқаларнинг умумий майдони 46 гектарни ташкил этади. Ҳар бири оила томорқасидан ўртача 10 — 15 миллион сўм даромад олади. Аҳоли

бой бўлганидан кейин маҳалла ҳам обод бўларкан. Кўчалардаги ободонлаштириш ишлари дейсизми, муҳтожларга кумак беришимиз, кўшнлар бир зумда маслаҳатлашиб, масалани ижобий ҳал қиламиз. Айни пайтда бирорта хонадон йўқки, электр энергияси, сув, табиий газдан қарздор бўлса. Буларнинг барчаси ерга берилган ишлов туфайлидир.

Абдумутал Болтабоев Марқаюз маҳалласидаги Истиклол кўчасида яшайди. 3 сотихдан иборат томорқаси бор эди. Экиндан бўшаган майдон бўш турмасин, деб кўзда саримсоқлиёз қадаб қўйди. Бугун бу кўчатни харидорнинг ўзи излаб келди. Натижада мўжазгина томорқадаги ҳосил маҳаллий бозорларга пешма-пеш етказиб берилди. Даромад ҳам чакки эмас — 2 миллион сўм. Ваҳолонки, қайсидир ховлида шунча майдон кўздан то баҳоргача бўш турибди ҳам.

Туманда томорқачиликда олиб борилаётган ишлар билан танишар эканмиз, Кўнғирот маҳалласига алоҳида эътибор қаратдик. Ҳар бир ховлида ток экилган бўлиб, унинг новдаларини устунга боғлаш ишлари амалга оширилляпти. Маҳалла раиси Рустамжон Арзбеков мийгида кулганча "Токини ердан кўзгаш ишлари билан бир қаторда, ҳосилни йиғиш мавсуми ҳам бошланди", деб қолди.

Тўғриси, тушунмадик. Ахир ҳозир қандай қилиб узум узиш мумкин? Ё бу борада ҳам иссиқхона усули жорий этилдики?

— 7 сотихдан иборат томорқамда узум етиштираман, — дейди Юқори

Кўнғирот кўчасида истиқомат қилувчи Жаҳонгир Ботиров. — Даромад ёмон эмас, ҳар йил ўртача 2 тонна узум сотаман. Шу кунларда ҳосилнинг ҳар килограммини 12 — 15 минг сўмдан пуллайтман.

Маҳаллада 1150 та хонадон бўлиб, томорқа майдони 84 гектарни ташкил этар экан. Деярли ҳамма узумчилик билан шуғулланади. Бу иш билан ота-боболари ҳам машғул бўлгани боис улар ҳосилни узоқ вақт сақлаш бўйича ўзига хос тажрибага эга.

Вилоятда томорқа ишларини тартибга келтириш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ аъзолари ҳар бир хонадонда бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишмоқдалар. Айрим оила соҳибларига томорқадан топиш мумкин бўлган даромад ҳақида тушунтириш берилмоқда. Кам таъминланган оилаларга эса кўчатлар тарқатилляпти.

— Тан олиш керак, ҳар бир оила ҳам ўз томорқасидан унумли фойдаланаётгани йўқ, — дейди Пахтаобод туманидаги "Лозор" МФЙ раиси Муҳаммаджон

Алимов. — Масалан, Ҳилол кўчасидаги 38 та хонадоннинг кўча қисмида камида 1 сотихдан майдон шу кунгача бўш турди. Ваҳолонки, бу ердан йил давомида уч марта ҳосил олиш мумкин. Шу боис ҳар бир хонадонга кериб, ўй эгалари билан тушунтириш ишларини олиб бордик. Ерга бўлган эътиборсизликнинг салбий оқибатларини ҳам тушунтириб ўтдик.

Тарғибот ишларидан сўнг ҳар бир оила ҳар қарич ерга алоҳида ишлов бериб, ўзига керакли экинларни эка бошлади.

Қўрғонтепа — вилоятнинг шимолида жойлашган туман. Шу сабабли табиати нисбатан салқин. Мазкур ҳудудда экин-тукин ишларига Асака, Шахрихон, Улғунор туманларига қараганда 15 кун кеч қиришилади. Ҳосилни йиғиб олишни кузнинг охиригача давом эттиришнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, бор имкониятдан унумли фойдаланаётганлар ҳам кўп.

Қисқаси, томорқачилик халқимизнинг энг катта даромад манбаидир. Шундай экан, ховлимиздаги ерга озгина меҳр берсак, ҳаракат қилсак, у бизни нафақат боқади, балки бойити ҳам.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бухорода электромобиль яратилди

Фаргона давлат политехника институтида тахсил олиб, айни дамда Бухорода истиқомат қилаётган 27 ёшли Саидбек Фуломов электромобиль иختиро қилди. У автомашина дизайнини яратишда Фаргона дуплиси шаклларида фойдаланган.

— Енгил автомашина яратиш гоёси менда 2017 йилда турилган эди, — дейди у. — Изланиш, ўрганиш ортдан сиз кўриб турган машина модели юзга келди. Унинг узунлиги 4 метр 75 сантиметр, эни 2 метр, баландлиги эса 1,53 метрни ташкил этади. Баландлиги "Кобальт" русумли машина билан деярли тенг.

Электромобилнинг кузови юз фоиз алюминийдан тайёрланди. Чунки бу материал енгил. У машинанинг юриш давомийлигини оширишга хизмат қилади. Автоуловнинг афзалликларидан бири — тежамкорлиги. Негаки, у электр токи воситасида юради. Бензин ва газ тежалади. 6,5 сонияда 100 километр

ИХТИРО



соат тезликка эришади. Қиёслаш ўрнида айтиш жоизки, "Малибу-2" да бу кўрсаткич 7,8 сонияга тенг. Нархи хомаки ҳисоб-китобларга кўра, 110 — 150 миллион сўм атрофида. Яна бир қулайлиги, у харидор хоҳиш-истагига қараб, индивидуал буюртма асосида ишлаб чиқарилади. — Бу моделни яратишда италян, немис, инглиз, япон

автомобилларининг барча устун жиҳатини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдим, — дейди ёш иختирочи. — Унинг ягона камчилиги, бу — қайта қувватлантириш вақтининг узоқ давом этишидир. Аммо ҳозир дунёнинг ривожланган давлатларида қаттиқ жинсли аккумуляторлар синовдан ўтказилляпти. Бу эса муаммонинг ечими борлигидан

дарак беради. Электромобиль бўйича патентга эга бўлиш учун Адлия вазирлиги ҳузурдаги Интеллектуал мулк агентлигига зарур ҳужжатларни топшириб, дастлабки ҳулосаларни олдик.

Бизда 14 кишилик жамоа шаклланди. Барчаси иқтидорли, изланувчан. Агар қобилияти ёшлар бўлса, уларни ўз сафимизга қўшишга тайёрмиз.

Автоуловнинг моделини яратиш, инновацион гоёларни амалда табиқ этиш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Бу масалада ёш иختирочига вилоят ҳокимлиги ёрдам қилини чўзди. Когон тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган маъсулиятли чекланган жамият шаклидаги "Когон-ремстройкомплект" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳомийлик қилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»)

«Uzbekistan Airways» АЖ чегирмалари

"Uzbekistan Airways" АЖ томонидан Наврўз байрами муносабати билан 21 — 24 март кунларига белгиланган баҳорги таътил кунлари учун чегирмалар жорий этилади.



Қулайлик

Республикамизнинг ички рейсларидан фойдаланувчи барча йўловчилар ушбу қулайликдан фойдаланишлари мумкин. Хусусан, индивидуал (якка) йўловчилар учун 30, сайёҳлик гуруҳлари (5 ва ундан ортқ киши), мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей ва ОТМ талабалари, ИИВ, ДХХ, МВ, ДСҚ, ДБҚ ва бошқа идоралар махсус ўқув муассасаларида тахсил олаётганлар ҳамда уларнинг тингловчилари учун — 40, оилалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган инсонлар, Иккинчи шахон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатларини бартаф қилишда иштирок этганлар учун 50 фоизлик чегирмалар тақдим қилинади.

Авиачипталарни акциядорлик жамияти ҳамда юртимиздаги барча аэропортлар кассаларидан харид қилиш мумкин.

С. МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»)
тайёрлади.

amkorop **САЛЕО** **АМКОДОР - СЕМАШ**

«АМКОДОР-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар
Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЮРИТАЁТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШИ УЧУН ТАКЛИФ

«Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси

ўзининг 2018 йилги молия-ҳўжалик фаолиятининг натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказишга аудит ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари куйидаги талабларга мос бўлиши зарур:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши;
- устав жамғармасида давлат улуши 50% дан кўп корхоналарда ташкилотнинг аудит ўтказиш ҳуқуқида эга аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиши;
- йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам аудит хизматлари ўтказиш тажрибаси ҳамда етарли малакадаги ходимлар бўлиши.

Танловда қатнашиш учун талабгор куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва гувоҳномаси нусхаси;
- аудиторлик ташкилотининг раҳбари ҳамда аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар, кўрсатилган аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда, куйида кўрсатилган манзилда 2019 йил 31 март маҳаллий вақт билан соат 16.00 гача қабул қилинади. Саволлар юзасидан 78-150-36-11 телефон рақами орқали, шанба ва яқшанбадан ташқари, соат 9.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин. Белгиланган вақтдан кейин тушган аризалар эътиборга олинмайди.

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК манзили: 100 000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси-1. Телефон/факс: 71-239-46-24.

Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси жамоаси ассоциациянинг Қашқадарё вилояти филиали раиси Дилбар Муродовага турмуш ўртоғи

Баҳриддин МУРОДОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklama@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибилик 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер терминали ҳамда оператор Ж. Тоғева томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 01.50 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6